

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ИЮНЬ-ЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР ОЙ

БАРДОШЛИ, ЖАСОРАТЛИ ДЕҲҚОННИМ

Маҳаратсиз ҳунар бўлмас, деб бежиз айтишмаган. Лекин деҳқончилик ташвиш халдан эиё. Чунки, бизга мутлақо боғлиқ бўлган қийинчиликлар энг яхши келган йилларда ҳам тақдорлиб туради. Иш жойинг далада бўлганидан кейин бу ҳол табиий.

Қўлданги экинчи кўнгалдагидек ўтказдик. Деҳқонларимиз меҳр билан ишлашди. Ниҳоллар соғомлангидан кўнгалмиз кўтарилди. Кўчатнинг тўлиқ бўлиши ярим ютуқ, ахир, Ўза қатор ораларига биринчи янгол беришни тугатилди энгил нафас олдик. Одамларимизнинг ҳам рўҳлари тетик. Деҳқоннинг чеҳрасидан экин ҳолати қандайлигини билса бўлади.

Иккинчи ишловни ҳам бошладик. Адиб бағрининг кунгай томонидан ғўзаларимизнинг олди шона кўрсатиб қолган эди. Ниҳолларимизни шу ҳолатга келтириш осон кечгани йўқ, албатта. Ёмғир, жала кун оралиги ёғиб турди. Қатқалоқ устига қатқалоқ. Ёрларимиз асосан адибдан ўзлаштирилган оқ тупроқ бўлгани учун бир ёғиб ўтган ёмғирдан кейин тарахдадек қотиб қолади. Ўза ости тезда юмшатишмас, қатқалоқ ёш ниҳолни ғиша бўғиб, илдизини чиритиб қўяди. Иккинчи кун бепарво бўлсангиз тамом, ниҳолларнинг яримдан ажралиб қоласиз.

Биринчи, иккинчи қатқалоқлар хавфли бўлади. Ўзага аҳолининг ҳаммаси оёққа турди. Район ҳокими ҳам нима ёрдам керак бўлса берди. Техника дейимиз, ишчи кучини — ҳаммасидан кўмаклашди. Биринчи ҳаракат билан қатқалоқдан қутқиб кетганимиз йўқ. Май ойи янгида тўрт марта қатқалоқ қатқалоқ бўлди. Ҳаммаси катта сафарбарликни талаб қилди. Шовлиш керак эди. Чунки, фурсатни бой бериш жуда катта йўқотиш бўларди.

Хўжалигимиздаги мажмууд 859 гектар эрининг 594 гек-

тарига чигит экинмиз. Хуллас, мана шу майдонларнинг ҳар бир гектарига май ойи давомида кураш давом этди. Бунда ҳеч ким ўзини четга олгани йўқ. Чунки ҳамма баҳорнинг ноқулай келганини кўриб турарди. Қўлдан иш кела туриб ёрдам бермаслик мумкин эмаслигини қалбдан ҳис этганлар далага чиқибди, баҳорини қўдрат қатқалоқни юмшатишга кўмаклашди, ниҳолларни эркин ривожланишига имкон яратди.

Аммо баҳорнинг сўнги кунини — 31 май соат тўрт яримларда давом этган шиддатли жала бутун режаларимизни, баҳор давомида қилган меҳнатимиз ва марасини остин-устун қилаётди. Ўзага адибларда кучли сел пахта майдонларини, сабзавот экинларини, аҳоли истиқомат қилаётган жойларини босиб кела бошлади. Бутун жамоамиз меҳнаткашлари оёққа турди. Вилоят, район ҳокимлари етиб келишиб ёрдам беришди, район, вилоят ташкилотларини 60 фарбар эттидик. Офатдан сел гектар ғўза ниҳоллари лойқа остида қолиб кетди. Дилшод Рўзихонов, Абдуманноб Раҳимов, Солижон Турғуновлар бошчилик қилишган бригадаларда офатнинг зарари катта бўлди. Ўзага қишлоғида 126 та хонадон яшаб бўлмайдиган даражада шикастланди. 26 та уй эса кулаб тушди. Шукри, одамларимиз тинч. Оғир кунда ҳам ўзларини йўқотиб қўйишмади. Бирлашиб, ҳамжихат ҳаракат қилишди. Хуллас, ёғиннинг биринчи кунини ана шундай ҳолатда кутиб олдик.

Мутахассислар, тажрибали кекалар билан бамаслаҳат режалар тузиб иш бошладик. Қўшни районлардан, курлиш ташкилотларидан ёрдам кўчалари етиб келди. Батамом лойқа босган майдонларга озуқа экинлар экинга келишди. Бошқа майдонларда ғўзаларини эса лойқадан, қатқалоқдан қутқазиб оляшга қарор қилдик. Ҳақиқий дўстлик, биродарлик бошга иш тушганда билинади.

Район, вилоят вакиллари ишбоши бўлиб туришди. Мактаб ўқитувчисидан тортиб, шифохона врачларига, ишчи курувчилардан тортиб, инженеру шахарликларга ҳам кўмакларини аяммади. Қални лойқа босган майдонларни махсус мосламаларда тилиб чиқдик, эрининг етиллигини тезлаштирдик. Сел босган йўлларни таъмирлади, кўприкларни тизди. Аҳоли хонадонларини уч-тўрт кун ичида тартибга келтиришга муваффақ бўлдик. Ариқ ва каналларни тозалаб, асл ҳолига келтирдик. Бир ҳафтада қайта экинни тугатилди, ғўза парварини қайтадан бошлаб юбордик.

Вилоят ҳокими Қ. Обидовнинг барча фуқароларга мурожаати ҳаммамизни фидокорона ишлашга даъват этди, рўҳимизни кўтарди. Мурожаатда бизга қарата шундай дейилди: «Бардошли тошни ёратган қишлоқ хўжалиги ходимлари! Халқимизнинг умиди сизлардан. Чунки бутун ризқ-рўзимиз, нону насимиз сизлар эгали қилаётган она заминда бўлиб бўлайти. Сизлар ҳаммиз эл-юрт ишончини оқлаб келган олимхўшам, қалб дарё инсонизлар. Мен аминман, бу йилгидек нисли кўримаган оғир йилда ҳам сизлар ўз бурчингизга содиқ қоласизлар, ҳар бир қарий ер, ҳар ниҳолни асраб-авайлаб, катта хирмон яратасизлар».

Шундай ишонч, катта масъулият юкланган, иш-лаш керак. Нималарга қодирлигимизни амалда исботини кўрсатишимиз лозим. Жамоамизнинг ҳар бир меҳнатис офат оқибатларини тезроқ бартараф этишга астойдил бел болаган. Июнь — биз учун зарбдор ой. Деҳқон учун осон йил бўлмаган. Бу галги зарбдорнинг зарарларини тўдаришга ҳаракат қилмади ва шунга эришмади. Одамларимиз тинч, бошлари омон бўлса ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади.

А. КАРИМОВ, Андикор районидagi «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

Совхозимиз бўйича пахта майдони тўрт миң юз гектарни ташкил этади. Лекин уч марта бузиб экинчи туғайли 12 миң 300 гектар ерга чигит қайта экилади, ҳисоб.

«Пахтакор» ширкатимиз миришкорлари ҳам инсон иродаси офатдан кучлидигини амалда исботлашяпти. Жорий йилда 560 гектар майдонда деҳқончилик қилмади. Йил бошда гектардан 35 центнердан хирмон кўтарамиз деб ният қилганмиз. Чигит экинни тугатилди, энди нафас остлаётган пахтада бемарид ёққан ёмғир ва жала ишларимизни чигаллаштириб юборди. Ариқ лойқаларга тўрт марталаб экин аргатларини олиб киришга тўғри келди.

Лекин миришкорлар бунч келишмади. Чигитни тезда ундириб олиш чоралари кўрилди. Қўлни қўлга бериб қилган меҳнатимиз самарасини кўрсатди. Ҳозир ҳамма пайналларда ям-яшил ниҳоллар кўнка буй чўзиб турибди. Ўзага ишлов бериш пайтида маҳаллий ўнгдан самарали фойдаландик. Маром ва сифатда гап кўп. Вақт чўзилса, ғўза ривожланишдан кечикди. Вақтда тез ва сифатли ишлов бериб захни қочириб, ёш

ниҳолларнинг томирини чиритишдан сарлаб қолдик. Бегона ўтларни йўқотиш учун чизель куракчасининг бир томонини кесиб мослама ясадик. Унинг фойдаси шундаки, ниҳолларнинг янги-янги бўлган ўтларни қирчи боляпти. Қолганлари кетмон чўйиги билан, олиб ташланмоқда.

Экинларнинг ривожини яна қандай қилиб тезлаштиришимиз? Маълумки, кучли ёмғирлардан сўнг илдизларга қувват берувчи ўғитлар анча пастга тушиб кетди. Унинг ўрнини тўлдириб учун бундан кейин ҳар бир култивация пайтида минерал ва маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш зарур. Биз гектарига 200 килограммдан минерал ўғит солишимиз.

Бутун агроучасткамиз даладарига тўз сел ва жала бўлмагандай. Табиий офат оқибатлари бир неча кунда бартараф этилди. Ўза парварини, култивациялаш, озьқилантириш каби юмушлар бир-бирига боғлаб ўтказилляпти. Бу борада Мамарасул Умаров, Топшўлат Пардаев, Икром Эшимуродовлар бошлиқ звенелар аъзолари бошқаларга ибрат бўлаётлар.

Яхшилик ҚОБИЛОВ, Дўстлик районидagi «Дўстлик» ширкатидagi бирлашмаси «Пахтакор» ширкати раиси.

Ерни эъозлаган кам бўлмайди, дейди халқимиз. Не бахти, республикамизда ҳам унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш кейинги йилларда аънамага айлана бормоқда. Бундай масъулиятнинг замирида иқтисодий манфаатдорлик ётади.

Ариасой туманидаги «Тараққиёт» давлат хўжалигида

да ердан оқилона фойдаланиш ҳар томонлама наф бераяпти. Хўжаликнинг экин майдонлари звенеларга бўлиб берилган. Чунки 3 бўлимининг Ҳроз Тўлебоев етакчилигида қилинган экино тасарруфига 41 гектар ер бор. Жамоанинг ҳар бир аъзоси — у хоҳ ишчи, хоҳ механизатор бўлсин, мўл ҳосил иштиёқда астой-

дил тер тўқади. Натijasи аса ёни: кунда чўнг хирмон бўлиб өтляди.

Сиз ушбу суратда экино бошнинг Ҳроз Тўлебоев билан механизатор Абдуфаттох Бойжигитовни кўриб турибсиз. Улар фидокорона меҳнат туғайли ғўзалар кундан-кунга ривож топаётганидан гоит масрур. Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Сўз—тажрибакорларга СИФАТ— АСОСИЙ МАҚСАД

Сиз ушбу суратда экино бошнинг Ҳроз Тўлебоев билан механизатор Абдуфаттох Бойжигитовни кўриб турибсиз. Улар фидокорона меҳнат туғайли ғўзалар кундан-кунга ривож топаётганидан гоит масрур. Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Сиз ушбу суратда экино бошнинг Ҳроз Тўлебоев билан механизатор Абдуфаттох Бойжигитовни кўриб турибсиз. Улар фидокорона меҳнат туғайли ғўзалар кундан-кунга ривож топаётганидан гоит масрур. Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ниҳолларнинг томирини чиритишдан сарлаб қолдик. Бегона ўтларни йўқотиш учун чизель куракчасининг бир томонини кесиб мослама ясадик. Унинг фойдаси шундаки, ниҳолларнинг янги-янги бўлган ўтларни қирчи боляпти. Қолганлари кетмон чўйиги билан, олиб ташланмоқда.

Экинларнинг ривожини яна қандай қилиб тезлаштиришимиз? Маълумки, кучли ёмғирлардан сўнг илдизларга қувват берувчи ўғитлар анча пастга тушиб кетди. Унинг ўрнини тўлдириб учун бундан кейин ҳар бир култивация пайтида минерал ва маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш зарур. Биз гектарига 200 килограммдан минерал ўғит солишимиз.

Бутун агроучасткамиз даладарига тўз сел ва жала бўлмагандай. Табиий офат оқибатлари бир неча кунда бартараф этилди. Ўза парварини, култивациялаш, озьқилантириш каби юмушлар бир-бирига боғлаб ўтказилляпти. Бу борада Мамарасул Умаров, Топшўлат Пардаев, Икром Эшимуродовлар бошлиқ звенелар аъзолари бошқаларга ибрат бўлаётлар.

Яхшилик ҚОБИЛОВ, Дўстлик районидagi «Дўстлик» ширкатидagi бирлашмаси «Пахтакор» ширкати раиси.

ПРЕЗИДЕНТ САФАРДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

11 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Икром Каримов Нидерландлар қироллигига расмий сафардан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Икром Каримовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вази-

рининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Тошкент

Мухтарам Президент жаноблари, Делегациямга ва менга кўрсатилган Ўзбекистон назоратини ушбу суратда ташаккур билдирмоқчиман. Сиз билан ва Ўзбекистон делегациясининг бошқа аъзолари билан ўтказилган музокаралар жуда мароғли бўлди. Мамлакатимизни иқтисодий соҳага қаратилган бозор иқтисодиёти асосида қайта қуриш шароитида билан вузудга келаятган хилма-хил муаммолар ҳақида муҳим ахборот олдик. Масъула маъмурият илоҳотларини жорий этиш бошлаганларини фахрлашга муваффақ бўлдик.

Швейцария бу йўлда мамлакатимизни халқаро

валюта жаамгармаси ва жаҳон банкидаги ҳамкорлигини миз доирасида қўллаб-қувватлаш учун илоҳия бўлган ҳамма ишни қилади. Музокараларимиздан кейин мана шу икки муҳим ташкилотда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида бўлажан ҳамкорлик янада мустақамланишига аминман. Иквала мамлакатимиз имзолаган иқтисодий шартнома ва сармояларни ҳимоя қилиш ҳақидаги шартнома швейцар ва ўзбек ишбилармонлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар яхшиланишига ҳам кўмаклашгусидир.

Эхтиром ва дўстона салом билан

О. ШТИХ, Швейцария федерал маслаҳатчиси, молия вазири.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ, БИРОДАРИМ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳе ва баракатуху!

Муборак Қўрбон ҳайити бошланиши муносабати билан Саудия Арабистони подшоҳлигининг халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сиз ҳазрати олийларига самимий қўтловлар йўллаётганимдан мамнумман.

Жамики оламини яратган қодир Худодан илтижо қиламанки яна шу қутлуг байрамга етиш насиб қилсин.

Сиз ҳазрати олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, шунингдек қардош Ўзбекистон халқига ва Исломо миллатимиз халқларига тараққиёт ва равақ ато этишсин.

Сидқидил табриқларимни ва миннатдорчилигимни қабул этгайсиз.

Икки муқаддас санжадоҳ ходими, биродорингиз Фаҳд бин Абдулазиз Ал САУД, Саудия Арабистони подшоҳи.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ, БИРОДАРИМ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳе ва баракатуху!

Табаррук ийд Ал Аҳда байрами бошланиши муносабати билан Сиз ҳазрати олийларига қардошларча самимий қўтловлар ва сидқидил тилаклар йўллаётганимдан мамнумман, яна шу қутлуг байрамга етишни насиб қилсин.

Сиз ҳазрати олийларига сиҳат-саломат-

лик ва бахт-саодат, шунингдек қардош Ўзбекистон халқига ва Исломо миллатимиз халқларига тараққиёт ва равақ ато этишсин, деб ҳар нарсга қодир парвардигордан илтижо қиламан.

Миннатдорчилигимни ва сидқидил табриқларимни қабул этгайсиз.

Биродорингиз Абдуллоҳ бин Абдулазиз ал САУД.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Тошкент шаҳри.

Қўрбон ҳайит байрами нишонланиши муносабати билан Сизга ва дўст ўзбек халқига шахсан ўз номидан, шунингдек Сурия халқи номидан самимий табриқлар йўллашга мушаррафман. Шу қутлуг кунда ҳамма нарсга қодир парвардигордан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга ва барча мусулмонларга ялли омонлик ва

фаровонлик ато этишини тилайман.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар халқларимизнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустақамланиб бораверишига ишонч ляхор этмоқчиман.

Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз АСАД, Дамашқ 1993 йил, 25 май.

Ҳафтанинг биринчи янгида республикамизда худудига гарбий шимолдан салқин ҳаво кириб келиши муносабати билан баъзи жойларда, хусусан тоғли минтақаларда қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиши, шамолнинг

тезлиги соатига 15—20 метрга етиши мумкин. Ҳарорат кечаси 14—19, кундузи 27—32 даража атрофида

бўлади. Ҳафтанинг иккинчи янгида жабурий гарбдан иссиқ ҳаво оқими кириб келади. Ҳарорат кечаси 18—23, кундузи 36—41 даражага кўтарилади.

В. БУЛГАР, обҳавошунос.

ОБ-ҲАВО

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳисобот йилиги бўлиб ўтди. Унда академия Президенти вазирасини бажарувчи Саид Усмонов академиянинг ўтган йилги илмий-ташқирий фаолияти натижалари ҳамда галдаги ваифлар ҳақида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, тадқиқотлар йўналиши ва мазмуни доирасини тубдан ўзгартириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий техник-каўмитаси билан деҳқончилик-саноати қўшмакорлик илмий таҳқиқоти устиворлигини шакллантириш бўйича муайян ишлар қилинди. Академия институтларини бошқаришга хизмат қилувчи 13 та давлат илмий-техниканинг дастур ишлаб чиқилиб, Давлат илмий-техника қўмитасига тақдим этилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Қорақалпоғистон бўлими ташкил этилди.

Раёсат юқори раҳбар органларга тугатилган илмий ишланмалар натижалари асосида деҳқончилик саноати мажмуининг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган 26 та билдиришнома йўллади. Булар орасида жумладан: Ўзбекистон деҳқончилик-саноатининг механизация ва электрлаштириш мажмуини ривожлантиришнинг 2.010 йилгача мўлжалланган умумий концепцияси, томчилаб сую-

ринини жорий этиш, сабзавот, поллиз экинлари ва картошка уруғчилигини ривожлантириш, фермерлик хўжаликларини ва уларнинг кооперациясини ташкил этиш, шакарнинг табиий ўрнини босадиган ўсимликни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, чўл-яйловлар ва қорақўлчиликнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш ҳақидаги умумий хужжатлар бор. Шулардан 21 таси бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳисобот даврида академия институтларида қатор муҳим йўналишлар бўйича тадқиқотлар тугатилди. Жумладан, Ўзбекистон ғўза генетикиси, селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида С-4908, С-4909 ва МЛ-115 хужумли мойли пахта навлари яратилди ва Давлат саноат инспекциясига топширилди. Худуд шундай ингица тоғли Қарши-8 ва Қарши-9 навлари ҳамда IV типдаги ўрта талам С-6532 ва Сурхон-5 навлари яратилиб, давлат синовига берилди. Наманган-5, Наманган-77, Фарғона-3 ва Оққўрғон навлари районлаштирилди.

Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институтида СоюзНИХИ-11, Окдэр-5, Андикор-20, Андикор-22 ўрта талам халда Термиз-24 ингица тоғли истиқболли ғўза навларини яратиш бўйича олиб борилган ишлар нисоясига етказилди.

Турди тупроқ-қилди зона

лари агротехникаси бўйича етиштирилган С-6524, С-6530, Окдэр-5, Наманган-77, Қирғизистон-3, С-9070 навларини яратиш бўйича ўтказилган кузатишлар ҳам тугатилди. Бундан ташқари шамол эрозияси таъсирида бўлган тупроқ шароитида чигит экин шуддатлари бўйича олиб берилган ишлар охирига етиб, тегишли тавсиялар берилди.

Қорақалпоғистондаги деҳқончилик илмий тадқиқот институти V типдаги тола бериб-диган ҳамда 120—125 кунда пишиб етиладиган Чимбой-4104 ўрта талам ва пахтаи районлаштириш учун топширди. Бу ерда «Progress» ва беда яратилди ва районлаштирилди.

Ўзбекистон «Галла» илмий тадқиқот институти бугдўйнинг киши биологик намини яратиш юзасидан самарали иш олиб борди. Улардан 3 таси, шу жумладан каттик бугдўй нави давлат синовига топширилди.

Р. Р. Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари пистели экинлар ҳосилдорлигини кескин ошириш мақсадида пакана бўлиб ўсадиган М-9, ярим пакана М-102 ва ўрта бўйли

ММ-104 нави меваларни етиштириб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Бу ерда эрта пишар Қишмиш ботир, эртанги Шредер ва бошқа янги нави узумлар ҳам етиштирилди.

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида ўрмон мелiorацияси усулида Орол бўйича экологик тағлиқликни бартараф этишга оид тизим ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон сабзавот, поллиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти томонидан «Нурли» телешарҳи нави сабзи, «Нонкаду» деб номланган ўртапишар қовоқ нави районлаштирилди. Нав синаш Давлат комиссиясига эса янги «Истикбол» либизи, «Олтин водий» ва «Шакар» пакани қовулларни тақдим этилди. Жами сабзавот экинлардан 12, картошканинг 2 нави давлат синовидан ўтмоқда.

Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти селекциячилари давлат синови янги «Ширин» ва «Шакар» қовун навларини тавсия этилди.

Механизатор олимлар конструкторлар билан ҳамкорликда фермерлар, шахсий ар-

дамчи хўжаликлар учун икки модификацияли трактор ва унга мослашган қишлоқ хўжалик машиналари мажмуини ишлаб чиқиб синовидан ўтказилди.

Чигит билан бир қаторда мажмуахўрор, майда уруғли экинларни экишга мослаштирилган СМХ-4 модулли сеплака учун пневматик экин аппаратлари яратилди.

Музокарада қатнашган қатор олимлар, илмий муассасаларнинг раҳбарлари ўз соҳалари бўйича қилган ишлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар юзасидан ҳисобот бердилар. Уларнинг сўзларини тинглаб эканмиз, анжуман илгарилари силлиқини ўтадиган йиғилишлардан фарқ қилмади, деган фикрга бордик.

Ўзбекистон ўз сиёсий истиқболини қўлга киритди. Аммо иқтисодий мустақиллигимиз ҳали тўла барқарор бўлганича йўқ.

Шунинг учун аҳоли дастур-хонини ноъ-неъматлар билан тўқин қилиш учун жуда кўп муаммолар ҳал этилиши керак. Бу биринчи навбатда олимларга, улар олиб бораётган ишла-

нишлар самарасига боғлиқ.

Афсуски, қишлоқ хўжалиги, жумладан чорвачиликда бундан ушбу йиллар олдинги муаммолар ҳозир ҳам ўз ечимини топгани йўқ. Масалан, Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитида яхши ўсадиган ва маҳсулдорлиги юқори бўлган этдор моллар яратиш масаласи ҳамузгача ҳал бўлмаган эмас.

Шу сабабли республикамизда сугирлардан сут сўғиб олиш паст даражада. Қушоқнага топширилётган жуда кўп моллар яхши семиртирмаляпти. Натijasида мўлжалдиган ортқ моллар сўйилиб кетаяпти. Бу тўғк сонининг тобора камайиб кетишига олиб келмоқда. Бундан ташқари касалликларга қарши кураш яхши ташкил этилмаган.

Ҳозир ёш улугроқ кишилар билан сўхбатлашганиз бундан ўттиз йиллар ҳамаси Тошкент шаҳри атрофидаги хўжаликларда тежис, янриқ, қайчилик қартошлар етиштирилганини тилга олишда. Дарҳақиқат ўша пайтларда ҳар гектар ердан 30 тоннагача сарв картошка оли-

машиналаримиз, тракторларимиз, асбоб-ускуналаримизга эга бўлишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалиги экинлари кушандаларига қарши кураш талабга жавоб берамаяпти. Республикада 523 та биолаборатория линиялари мажмууд. Ҳозир шуларнинг 360 таси ишлаяпти, холос. «Ишлаяпти» деб маълумот берилганларнинг бир қисми номинанга фаолият кўрсатмоқда. Йиғилишда қишлоқ хўжалиги самардорлигини оширишга қаратилган устивор йўналишлар, уларни амалга оширишда илм-фаннинг ўрни ҳақида ўринли тақлиф-мулоҳазалар айтилди. Лекин ҳозирча илмий изланишларни мувофиқлаштириб, унинг самардорлигини таъминлашга даъват этилган тармоқ — Фанлар академияси талаб даражасида ишламаяпти. Бу ҳақида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Икром Каримов ҳам ўз нутқида алоҳида тўхтади.

Республика Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси булардан тўғри хулоса чиқариб тупроқ умундорлигини ошириш, моллар зотини яхшилаш, уларни асраш, парвартириш технологиясини такомиллаштириш орқали эл дастурхонини тўқин бўлишига маҳносиб ҳисса қўйиши керак.

К. РИХСИЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» махсус музбири.

ИШЛАРИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

